

**РЕСПУБЛИКА ШОШИЛИНЧ ТИББИЙ ЁРДАМ ИЛМИЙ МАРКАЗИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.04/30.12.2019.Tib.63.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**РЕСПУБЛИКА ШОШИЛИНЧ ТИББИЙ ЁРДАМ ИЛМИЙ МАРКАЗИ**

**ПУЛАТОВ МАХМУДЖОН МУРАТДЖОН ЎҒЛИ**

**ЎТ ЙЎЛЛАРИДАГИ ОПЕРАЦИЯЛАРДАН СЎНГ ЭРТА ҚОРИН ИЧИ  
АСОРАТЛАРИ**

**14.00.40 – Шошилинч тиббиёт**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии(PhD)**

**Contents of the abstract of the dissertation of the doctor of philosophy  
(PhD)**

<b>Пулатов Махмуджон Муратджон ўғли</b> Ўт йўллари операцияларидан сўнг эрта корин ичи асоратлари.....	3
<b>Пулатов Махмуджон Муратджон угли</b> Ранние внутрибрюшные осложнения после операций на желчных путях.....	25
<b>Pulatov Makhmudjon Muratjon ugli</b> Early intra-abdominal complications after operations on the biliary tract.....	47
<b>Эълон қилинган ишлар рўйхати</b> Список опубликованных работ List of published works .....	51

**РЕСПУБЛИКА ШОШИЛИНЧ ТИББИЙ ЁРДАМ ИЛМИЙ МАРКАЗИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.04/30.12.2019.Tib.63.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**РЕСПУБЛИКА ШОШИЛИНЧ ТИББИЙ ЁРДАМ ИЛМИЙ МАРКАЗИ**

**ПУЛАТОВ МАХМУДЖОН МУРАТДЖОН ЎҒЛИ**

**ЎТ ЙЎЛЛАРИДАГИ ОПЕРАЦИЯЛАРДАН СЎНГ ЭРТА ҚОРИН ИЧ  
АСОРАТЛАРИ**

**14.00.40 – Шошилинч тиббиёт**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2021**

**Фалсафа фанлари доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.4.PhD/Tib735 рақами билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси ([www.emerg-centre.uz](http://www.emerg-centre.uz)) ҳамда «Ziyonet» ахборот-таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

- Илмий раҳбар:** **Хаджибаев Абдухаким Муминович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор
- Расмий оппонентлар:** **Ризаев Камол Саидакбарович**  
тиббиёт фанлари доктори
- Хақимов Мурад Шавкатович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор
- Етакчи ташкилот:** **Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази**

Диссертация ҳимояси Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.63.01 рақамли илмий кенгашнинг 2021 йил « 8 » апрел соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100081 Тошкент, Чилонзор тумани, Кичик халқа йўли кўчаси 2-уй. Тел/факс: (+99878) 150-46-00, e-mail: [uzmedicine@mail.ru](mailto:uzmedicine@mail.ru))

Диссертация билан Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (01 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100081, Тошкент ш., Чилонзор тумани, Кичик халқа йўли кўчаси, 2. Тел.: (+99878) 150-46-00; факс: (+99878) 150-46-05.

Диссертация автореферати 2021 йил « 30 » март куни тарқатилди.

(2021 йил « 8 » апрель даги 01 рақамли реестр баённомаси).



**Д.А.Алимов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси ўринбосари, тиббиёт фанлари доктори

**Х.Э.Анваров**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, фалсафа доктори (PhD)

**Б.К.Алтиев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори

## КИРИШ (фалсафа фанлари доктори диссертацияси (PhD) аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда ўткир билиар патологияларнинг тарқалиши, уни ташхислашни яхшиланиши, шунингдек, клиник амалиётга даволашнинг кам инвазив усуллари жорий этилиши, мазкур патологиялар сабабли жарроҳлик амалиётларини аста-секин ортиб боришига олиб келди. Жаҳон жарроҳлар иттифоқи маълумотлари бўйича «...ҳозирги кунда жаҳонда 1 миллиондан ортиқ, Россияда-60000, Ўзбекистонда фақат холециститнинг ўткир шакллари сабабли ҳар йили холецистэктомиянинг (ХЭ) 4-5 мингга яқин турли вариантлари ўтказилади...»<sup>1</sup>. Ҳозирги вақтда ўт-тош касаллиги (ЎТК) ва унинг асоратларини даволаш арсеналида турли аралашувлар амалга оширилмоқда. Бироқ, бу каби аралашувлардан кейин қатор беморларда такрорий жарроҳлик амалиётларини ўтказишни талаб этувчи қорин ичи эрта асоратларини (ҚИЭА) сонини ортиши ва бунда ўлим ҳолати 0,4 дан 2,3%гача ўзгариб туради. Ўт йўлларидаги жарроҳлик амалиётидан кейинги ҚИЭА орасида етакчи ўринни жарроҳлик амалиётидан кейинги «...перитонит 0,3%-1,5%, қорин бўшлиғи абцесси 0,8%, ўт суяқлигини оқиши 4,6% ва қорин бўшлиғига қон кетиши 4,0%гачани эгаллайди...»<sup>2</sup>. Бугунги кунда жарроҳлик техникаси анестезиология ва интенсив даволаш, фармакологияни ривожланганлигига қарамадан ўт йўлларидаги жарроҳлик амалиётидан кейинги ҚИЭАни ташхислаш ва даволаш муаммоларини ҳал этишнинг ягона ечими мавжуд эмас.

Жаҳонда ўт йўлларидаги операциялардан сўнг эрта қорин ичи асоратларни такомиллаштиришга қаратилган илмий-тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада ўт йўлларидаги турли шошилишч эндобилиар, лапроскопик ва очик жарроҳлик аралашувларидан сўнг ривожланувчи ҚИЭАнинг сони, сабаби ва тузилмаларини, касалликни семиотикаси тавсифини батафсил баён этиш, жарроҳлик амалиётидан кейинги асоратларни даволаш тактикасини танлашни мос бўлган компьютер дастури, башоратлашнинг интеграл шкаласи ҳамда соғломлаштирувчи чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқишга қаратилган даволаш тизимини яратиш алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, жумладан, турли хирургик касалликларни ташхислаш, даволаш ва олдини олиш сифатини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «...ихтисослаштирилган тиббий хизмат кўрсатиш қулайлиги ҳамда сифатини ошириш, тез ва

<sup>1</sup>Алиев Ю.Г. Результаты хирургического лечения желчнокаменной болезни из лапаротомного и миниинвазивных доступов// Хирургия. Журнал имени Н.И. Пирогова. – М., 2014. – №7. – С. 21-25.

<sup>2</sup> Garcés-Albir M, Martí-Fernández R et al. The role of endoscopic retrograde cholangiopancreatography in the management of iatrogenic bile duct injury after cholecystectomy. // Rev Esp Enferm Dig, 2019. – V. 111(9). – P. 690-695

шошилич тиббий ёрдам тизимини янада ислоҳ қилиш, ногиронликнинг олдини олиш....»<sup>3</sup> каби вазифаларни юклатилган. Шундан келиб чиққан ҳолда ўт йўлларидаги операциялардан сўнг эрта қорин ичи асоратларни тўғри даволаш ва профилактика услубларини кенг қўллаш долзарб йўналишлардан бири бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2017 йил 16 мартадаги ПФ-4985-сон «Шошилич тиббий ёрдам фолляти тизимини ташкил этиш ва моддий-техник базани келгусида мустаҳкамлаш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ўт чиқариш йўлларини (ЎЧЙ) ятроген шикастланишини ва кейинчалик юзага келадиган жарроҳлик амалиётидан кейинги махсус асоратларни жарроҳлик усули билан даволаш тактикасини танлаб олиш ҳамда олдини олиш масалалари гепатобилиар жарроҳликдаги долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. ЎЧЙ касалликларини ташхислаш ва даволаш жараёнларида доимий равишда янги технологиялар ва усулларни жорий этилиши ятроген шикастланишларни янги турларини ҳам келтириб чиқаради. Шу билан боғлиқ ҳолда жигардан ташқари бўлган ўт йўлларини жарроҳлик амалиётлари ичи шикастланишлари масалалари фаол ўрганилмоқда, улар орасида жигар дарвозаси соҳасидаги ўт йўллари ва томирларининг нуқсонлари ҳамда жарроҳлик амалиёти вақтида юзага келадиган ўт қопи бўйнидаги чандиқли хосилалар, қон кетиши, тунги вақтда мажбурий жарроҳлик аралашувини ўтказиш, Мириззи синдромининг мавжудлиги, жарроҳнинг малакаси ва бошқалар етакчи ўринни эгаллайди (Garcés-Albir M, Martí-Fernández R et al.,2019; Cremer A., Arvanitakis M., 2016). Афсуслар бўлсинки, олиб борилган кўп сонли тадқиқотларга қарамасдан, ҳозирги вақтга қадар шошилич билиар жарроҳлик амалиётларидан кейинги ҚИЭАни даволаш тактикаси масалаларида узилишлар мавжуддир. Жумладан, турли ҚИЭА кичик инвазив жарроҳлик аралашувларида даволаш дастурларини роли ва ўрни, ўт йўлларидаги

<sup>3</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947 сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони.

жарроҳлик амалиётларидан кейин ҚИЭАли беморларда анъанавий ва кам инвазив жарроҳлик аралашувларини қўллашни навбатлашиб келиши аниқланмаган. Аниқ клиник вазиятларда, аниқ стандарт ҳаракатларни кўрсатиш билан ўт йўлларидаги жарроҳлик амалиётидан кейин ҚИЭАнинг даволаш-ташхислаш алгоритми ишлаб чиқилмаган. Биз учун юқорида келтириб ўтилган барча муаммоларни ҳал этиш ҚИЭА кечиш оғирлик тоифасини башоратлашнинг интеграл шкаласини ишлаб чиқиш йўли билан мумкин бўлиб қолади. Келгусида эса ишлаб чиқилган интеграл шкалага даволаш маълумотлари (жарроҳлик аралашувларининг тури, муддатлар, жадал консерватив даволаш хажми, даволаш кетма кетлиги)ни киритиш йўли билан ўт йўлларидаги жарроҳлик амалиётидан кейин даволаш тактикасини жарроҳлик амалиёти компьютер дастури яратилади.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Республика шошилич тиббий ёрдам илмий марказининг илмий ишлари режасига мувофиқ №ПЗ-2018-090921394 «Гепатобилиар трактидаги шошилич жарроҳликда реконструктив аралашувларининг янги усулларини ишлаб чиқиш ва жарроҳлик тактикасини такомиллаштириш» мавзусидаги амалий лойиҳаси доирасида бажарилган (2018-2020 йй).

**Тадқиқотнинг мақсади** ўт йўллари жарроҳлик амалиётидан кейинги қорин ичи эрта асоратларини ташхислаш ва даволашда замонавий юқори маълумотли ташхислаш усулларини такомиллаштириш орқали таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:** ўт йўлларидаги турли шошилич эндобилиар, лапроскопик ва очик жарроҳлик аралашувларидан сўнг ривожланувчи ҚИЭАнинг сони, сабаби ва тузилмаларини баҳолаш;

қиёсий нуқтаи назардан ўт йўлларидаги жарроҳлик амалиётидан кейин ҚИЭАнинг нузли ташхислашни маълумотли усулларини баҳолаш, касалликни семиотикаси тавсифини батафсил баён этиш;

ишончли фарқлаш ва рақамли стратефикация йўли билан ҚИЭАнинг кечиш оғирлиги ва ривожланиш ҳавфини энг маълумотли предикторларини аниқлаш, жарроҳлик амалиётидан кейинги асоратларни жарроҳлик усули билан даволаш тактикасини танлашни мос бўлган компьютер дастури ва касалликни кечиш оғирлигини башоратлашнинг интеграл шкаласини ишлаб чиқиш;

ўт йўлларидаги жарроҳлик амалиётидан кейин ривожланувчи ҚИЭАни ташхислаш ва жарроҳлик усули билан даволаш бўйича РШТЎИМнинг 18 йиллик клиник тажрибасида тизимлаштириш асосида эндобилир транспапилляр аралашувлари, эндовидеожарроҳлик техникаси ва гибрид видеоэндоскопик технологияларни қўллаш натижасини баҳолаш ҳамда кўрсатмаларни кенгайтириш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази ва унинг вилоят филиалларида 2001-2018 йилларда стационар

даволанишда бўлган ўт йўллари жарроҳлик амалиётидан кейинги ҚИЭАли 260 нафар беморлар олинган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни шошилиш билиар аралашувлардан кейинги ҚИЭАнинг ҳар хил турлари билан оғриган беморларни ташхислаш ва даволашни анъанавий ва янги усуллари натижаларининг материаллари ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда ишни бажаришда қўйилган вазифаларни амалага ошириш мақсадида беморларнинг операцияга тайёргарлиги ва умумий ҳолати клиник белгилари клиник усулида баҳоланган; қорини ичи эрта асоратларни УТТ, МРТ, ЭРПХГ асосида инструментал усулда ташхисланган, видеолапароскопик жарроҳлик амалиёт асосида жароҳатланишнинг асоратлари камайтирилган ва олинган натижалар статистик тадқиқот усулларида қайта ишланган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

ўт йўлларидаги турли шошилиш эндобилиар, лапроскопик ва очик жарроҳлик аралашувларидан сўнг ривожланувчи қорин ичи эрта асоратлари ўт қопи олинган жойнинг йиринглаши ва перитонит ривожланиши натижасидаги юзага келувчи оғриқ, дефанс каби касаллик белгиларининг ривожланишининг клиник хусусиятлари очиб берилган;

илк бор шошилиш билиар жарроҳлик амалиётларидан кейин турли қорин ичи эрта асоратларининг кечиш оғирлигини ташхислаш тоифасини баҳолашга қаратилган касалликка хос кўрсаткичларнинг аҳамиятли хусусиятлари асосида интеграл шкаласи ишлаб чиқилган;

ўт йўллари жарроҳлик амалиётидан кейин турли қорин ичи эрта асоратлари, ўтнинг қорини бўшлиғига тарқалиши, қон кетиши ва ятрогенлик ҳолатини даволаш тартибида тикловчи-реконструктив жарроҳлик амалиётнинг самараси исботланган;

ўт йўлларидаги жарроҳлик амалиётидан кейин касаллик тоифасининг белгиларини инобатга олган ҳолда қорин ичи эрта асоратларида шошилиш тиббий ёрдам тизимининг ташхислаш-даволашда видеолапроскопик, тери жигар орқали ўт йўллари кўриш ва пункцион босқичларини бажариш техникаси ва тактикасига қараб даволаш тартиби такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

ўт йўлларидаги жарроҳлик амалиётидан кейинги турли қорин ичи эрта асоратлари ташхислаш ва даволашнинг анъанавий ва замонавий усуллари самарадорлигининг чегаралари баҳоланган;

шошилиш билиар жарроҳлик амалиётларидан кейин турли қорин ичи эрта асоратлари асосланган;

қиёсий даволаш тактикасини танлашни компьютер дастури ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, текширилган беморлар сонининг етарлилиги, тадқиқотда қўлланилган замонавий ўзаро бир-бирини тўлдирувчи клиник, лаборатор, инструментал, тиббий-биологик ва статистик усуллар ёрдамида ишлов



берилганлиги, шунингдек, ўт йўлларидаги операциялардан сўнг эрта қорин ичи асоратлари коррекциялашда халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти юқори даражадаги ўлим хавфи ва ногиронлик билан кузатилувчи жарроҳлик аралашувини талаб этадиган ўт йўлларидаги жарроҳлик амалиётларидан кейинги турли ҚИЭАни кечишини клиник-функционал ўзига хосликларини, касалликни ташхислаш ва даволашнинг янги рақобатбордош усулларини шакллантириш, алоҳида натижалари ўт йўлларидаги жарроҳлик амалиётларидан кейин турли ҚИЭА билан хасталанган беморларни ташхислаш ва даволаш тузилмаси ва мазмунини такомиллаштирилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган асосий хулоса ва таклифлар жарроҳлик аралашуви бажарилишини талаб этувчи ўт йўлларидаги жарроҳлик амалиётларидан сўнг турли ҚИЭАни ташхислаш ва даволашда фойдаланиш мумкинлиги, ўт кетиши, қон кетиш ва перитонит каби асоратларнинг ушбу турларида асосланган даволаш тактикасини танлаб олишни янги компьютер дастурлари ва уларнинг кечиш оғирлиги тоифасини башоратлашни интеграл шкаласини ишлаб чиқиш йўли билан сезиларли оптималлаштирилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши.** Ўт йўлларидаги операциялардан сўнг эрта қорин ич асоратларни такомиллаштиришни баҳолаш бўйича олинган натижалар асосида:

«Ўт йўлларидаги операциялардан сўнг эрта қорин ичи асоратларни даволаш тактикасини танлаш» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 23 ноябрдаги 8н-р/448-сон маълумотномаси). Илмий натижалар ўт йўлларидаги операциялардан сўнг эрта қорин ичи асоратларни эрта ташхислаш ва даволаш тактикасини танлаш орқали беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш имконини берган;

«Ўт йўлларидаги жарроҳлик амалиётларидан кейин ҚИЭАни кечиш оғирлик тоифасини башоратлаш шкаласи» амалий таклиф илмий натижалар асосида ишлаб чиқилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 23 ноябрдаги 8н-р/448-сон маълумотномаси). Илмий натижалар ўт йўлларидаги жарроҳлик амалиётларидан сўнг ҚИЭАни кечиш оғирлигини юзага келиши мумкин бўлган тоифасини статистик ишончли башоратлаш имкон берган;

шошилишч билиар жарроҳлик амалиётларидан кейин турли қорин ичи эрта асоратларининг кечиш оғирлигини ташхислаш ва самарали даволашга қаратилган илмий натижалар асосида ишлаб чиқилган ўт йўлларидаги операциялардан сўнг эрта қорин ичи асоратларни яхшилашга қаратилган тадқиқот натижалари соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Республика шошилишч тиббий ёрдам илмий маркази Самарқанд ва Жиззах филиаллари шошилишч хирургия бўлимлари амалий фаолиятига тадбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 6 январдаги 8н-з/4 сон маълумотномаси). Олинган натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши ўт

йўлларидаги операциялардан сўнг эрта қорин ичи асоратларни даволаш сифатини яхшилаш, жарроҳлик амалиётларидан кейинги асоратларни 11,4%га, ўлим ҳолатларини 2,5% га пасайиши ва беморларни касалхонада бўлиш давомийлигини  $10,8 \pm 1,2$  кун ташкил қилиш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 4 илмий-амалий анжуманда, жумладан 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган (Scopus).

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 129 бетни ташкил этган.


## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисми ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва заруратини асослашга, текшириш мақсади ва вазифалари, объект ва предметларини тавсифлашга бағишланган, тадқиқотнинг Республика фан ва технологияларининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Ўт йўлларидаги кейинги эрта қорин ичи асоратларини ташхислаш ва даволашнинг замонавий аспекти**» деб номланган биринчи бобида деб номланган биринчи бобида ўт йўлларидаги жарроҳлик амалиётидан кейинги ҚИЭАнинг ривожланиш сабаблари ва тарқалиши, ҚИЭАда ташхислаш оғирлик даражасини баҳолаш мезонлари, таснифи ва даволаш тактикасининг усуллари тўғрисидаги хорижий ва маҳаллий адабиёт манбаларининг мушоҳадалари келтирилган, келгусида тадқиқ қилишни талаб этадиган баҳсли масалалар келтириб ўтилган, шунингдек, мазкур муаммонинг илмий жиҳатдан ҳал этилишининг муаллифлик ёндашуви ишлаб чиқилган.

Диссертациянинг «**Ўт йўлларидаги кейинги эрта қорин ичи асоратларини баҳолаш материал ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот киритилган ҚИЭА бўлган беморларни клиник таснифи ва тадқиқотда фойдаланилган текшириш усуллари берилган. Кўрсатилдики, фақат ўткир холецистит ва холедохолитиаз сабаби бўйича ҳар йили РШТЎИМ ва унинг 13 вилоят филиалларида ЎЧЙларида 10 минг яқин жарроҳлик аралашувлари, жумладан 8 мингдан ортиқ холецистэктомия ва

2,7 мингга яқин ретроград эндобилиар муолажалар бажарилади (1-расмга қаранг).



### 1-расм. 2018 йилда Республика шошилиш тиббий ёрдам илмий маркази ва унинг вилоят филиалларида бажарилган холецистэктомия ва РПХГлар сони

Жумладан 2001 дан 2018 йилгача фақат РШТЎИМнинг ўзида ЎТКнинг ўткир ва асоратли шакллари сабабли 10218 жарроҳлик амалиётлари бажарилди, шундан сўнг такрорий эндобилиар, лапроскопик ёки очиқ жарроҳлик аралашувларини такроран ўтказишни талаб этувчи клиник аҳамиятли ҚИЭАлари 260 нафар (2,5%) беморларда қайд этилди.

Бизлар жарроҳлик амалиётидан кейинги асоратлар ичида энг кўп ХЭнинг кичик лапаротомиясини кузатдик (4,6%), шу сабабли сўнгги йилларда бизлар ўткир калькулёз холециститлар сабабли холецистэктомия бажарилганда мазкур жарроҳлик усулини қўлламаймиз. Бирламчи жарроҳлик аралашувларининг ярмидан кўпи (53,3%) лапроскопик усул билан бажарилди, бунда ҚИЭАнинг энг кичик сони (1,8%) қайд этилди.

Ўткир калькулёз холециститли беморларда бажарилган анъанавий холецистэктомиядан сўнг бу каби асоратлар сони 3,3%ни ташкил этди. Шунингдек, тадқиқотнинг хавфсиз (33) в хавфли (2) генезли механик сариқлик сабабли гепатикохоледохода очиқ жарроҳлик аралашувларидан сўнг ривожланувчи ҚИЭА бўлган 3 нафар бемор киритилди (1-жадвалга қаранг).

## Қорин ичи эрта асоратлари беморларда бирламчи жарроҳлик амалиётининг тавсифи

Бирламчи жарроҳлик амалиёти тавсифи	Бирламчи жарроҳлик амалиётлар тавсифи		ҚИЭАлар сони			
			жами		жумладан, гепатикохоледохани шикастланиши	
	абс.	%	абс.	%	абс.	%
Анъанавий	2580	25,1	86	3,3	21	0,8
Минилапаротом	864	8,4	40	4,6	6	0,7
Лапароскопик	5482	53,3	99	1,8	41	0,7
Гепатикохоледоходаги очик аралашувлар	1354	13,2	35	2,6	-	-
Жами	10280	100	260	2,5	68	0,7

ҚИЭАли барча беморлар (n=260) 2 гуруҳга тақсимланди: назорат гуруҳини 138 (53,1%) нафар беморлар ташкил этди, уларда анъанавий даволаш-ташхислаш тактикаси қўлланилди, асосий гуруҳда эса 122 нафар (46,9%) беморлар киритилди, улардаги ташхислаш ва даволаш босқичларида нурли ташхислаш, интервенцион эндобилиар жарроҳлик аралашувлари ва видеоэндожарроҳлик техникасининг замонавий усуллари, яъни, жарроҳлик амалиётидан кейинги асоратларни клиник кечиш оғирлигини башоратлашда компьютер дастури ва индивидуал даволаш усуллари қўлланилди (2-расмга қаранг).



### 2-расм. Қиёсий гуруҳда қўлланилган даволаш-ташхислаш усуллари хажми ва тавсифи

ҚИЭАли беморлар орасида аёллар устунликка эга бўлди: 178 (68,5%) га қарши 82 (31,5%) (2-жадвалга қаранг), бу ЎЧЙ касалликлари сабабли жарроҳлик аралашувларига учраган беморларнинг умумий популяциясида гендер тузилмани тахминан акс эттиради.

Тадқиқотга киритилган беморларнинг ўртача ёши  $56,4 \pm 4,8$  ёшни ташкил этди, бунда ёш ва ўрта ёшдаги беморлар ёшини кекса ва нуроний ёшидаги беморлар сонига нисбати 1,3/1 ни ташкил этди.

## Қорин ичи эрта асоратлари беморларни демографик ва клиник тавсифи

Кўрсаткич	Назорат гуруҳ, n=138		Асосий гуруҳ, n=122		Жами, n=260	
	авс.	%	авс.	%	авс.	%
Жинси						
– Эркак	46	33,3	36	29,5	82	31,5
– Аёллар	92	66,7	86	70,5	178	68,5
$\chi^2$ -тест	$\chi^2=0,439, p=0,508, p>0,05$					
Ёши						
– 19-44 ёш	17	12,3	25	20,5	42	16,2
– 45-59 ёш	56	40,6	51	41,8	107	41,2
– 60-74 ёш	54	39,1	37	30,3	91	35,0
– $\geq 75$ ёш	11	8,0	9	7,4	20	7,7
$\chi^2$ -тест	$df=3, \chi^2_{\text{стат}}=4,164, \chi^2_{\text{крит}}=7,815, p=0,245, p>0,05$					
ҚИЭА тавсифи						
– Жигардан ташқари оқимларни шикастланиши	38	27,5	30	24,6	68	26,2
– Ташқарига ўтти ажралиши	36	26,1	26	21,3	62	23,8
– Ўтли перитонитлар	22	15,9	25	20,5	47	18,1
– Қорин ичига қон кетиши	24	17,4	18	14,8	42	16,2
– Қорин бўшлиғи абсцесслари	18	13,0	23	18,9	41	15,8
$\chi^2$ -тест	$df=4, \chi^2_{\text{стат}}=3,240, \chi^2_{\text{крит}}=9,488, p=0,519, p>0,05$					

ҚИЭА тузилмасидаги беморларнинг мутлоқ катта сониди (177; 68,1%) ўт ажралиш тизими билан у ёки бу турда боғлиқ бўлган асоратлар устунликка эга бўлди.

Жумладан 109 (41,9%) ҳолатда ўтти оқиб чиқиши ўз ўрнига эга бўлди, у 62 (23,8%) нафар беморларда қорин бўшлиғига дренаж қўйилганда ташқарига оқиш ва 47 (18,1%) нафар беморларда эса ўт суюқлиги билан боғлиқ перитонит кўринишида намоён бўлди.

Яна 68 (26,2%) ҳолатда магистрал ўт йўллариининг жигардан ташқари шикастланиши ташхисланди (2-жадвалга қаранг).

Қолган 83 (31,9%) беморларда ҚИЭА сабабли такрорий жарроҳлик аралашувларини талаб этилиши уларда қорин ичи қон кетишини ривожланишига (42; 16,2%) ва қорин бўшлиғининг абсцесси (41; 15,8%) ривожланиши сабабли юзага келди.

Диссертациянинг «Ўт йўлларидаги жарроҳлик амалиётдан сўнг эрта қорин ичи асоратларини ташхислашни такомиллаштириш» деб номланган учинчи бобиди ташхислашга янги ёндошувларни

маълумотлилигини баҳолаш ва беморларнинг оғирлик ҳолати ҳамда ҚИЭА кечишини баҳолашни интеграл янги шкаласини маълумотлилигини баҳолаш ўтказилди. Агар назорат гуруҳ беморларида жарроҳлик амалиётидан кейинги асоратларни аниқлаш ва реллапаратомияга кўрсатмаларни аниқлашда асосан анъанавий даволаш усуллари қўллаш натижаларига асосланган бўлса (механик сариқлик, перитонит, қорин ичи қон кетиши ва ўт ажралиб чиқиши) жарроҳлик амалиёт белгиларини клиник, лаборатор ва ультратовушли жадаллаштириш ҳамда намоён бўлиши, асосий гуруҳда эса беморларда МСКТни 27,9%га, МРТ-холангиографияни 44,3%га, ЭРХПГ ни 71,3%, ЧЧХС ни 34,4%на ва видеоллапароскопияни 43,4% ли киритилиши билан эндовизуализацияни замонавий воситаларини етарли даражада кенг қўлланилади (3- жадвалга қаранг).

### 3-жадвал

#### Қорин ичи эрта асоратли беморларни текширилиш усуллари

Тадқиқот усуллари	Назорат гр., n=138		Асосий гр., n=122	
	Абс.	%	Абс.	%
Клиник кўринишни баҳолаш	138	100	122	100
Қоннинг клиник таҳлили	138	100	122	100
Қоннинг биокимёвий таҳлили	138	100	122	100
Қорин бўшлиғи органларини УТТ	138	100	122	100
Кўкрак ва қоринни R-графияси	74	53,6	67	54,9
МСКТ	-	-	34	27,9
МРТ-холангиография	-	-	54	44,3
ЭРХПГ	-	-	87	71,3
ЧЧХС	-	-	42	34,4
Видеоллапароскопия	-	-	53	43,4

Ҳозирги кунда энг ҳаммабоп бўлган ўЧЙда жарроҳлик аралашувларидан кейинги жарроҳлик амалиётидан сўнг беморларни скрининг мониторинг қилишнинг етарли даражада маълумотли усули бўлиб, трансабдоминал УТТ ҳисобланади, у барча 260 нафар беморларда қўлланилди. ҚИЭАнинг ультратовушли семиотикаси ўнг жигар ости бўшлиғида эркин суюқликни (49,2% беморларда аниқланган) ва ёки қорин бўшлиғининг бошқа бўлимларида мавжудлиги (27,7%), қорин бўшлиғининг турли бўлимларида йирингларни тўпланиши (13,8%), жигар ичи ва ундан ташқаридаги ўт йўллари кенгайиши (мос холда 15,0 ва 10,4%,) каби санографик белгилардан ҳосил қилинади (4- жадвалга қаранг).

Холецистэктомиядан сўнг беморларда ўт йўллари кенгайишини бизлар ўт йўллари ятроген шикастланишини бевосита санографик белгиларига киритамиз. Гепатикохоледоха боғламлари билан кесишиш ёки ундан узилиб чиқишда, тўлиқ блок ўз ўрнига эга бўлганда, УТТда жигардан

ташқари ва жигар ичи ўт йўллари яққол намоён бўлган кенгайиши кўринади. Ўт йўллари қисман блокраниши бўлган беморларда ўт йўллари проксимал бўлимларининг кенгайиши ва жигар ичи ўт йўллари сезиларсиз кенгайиши қайд этилади.

Ўт суюқлигини оқиб чиқиши бўлган беморларда ўт йўллари диаметри одатда меъёр чегарасида қолади. Яққа холатлардагина (4) умумий ўт йўллари ёриғида тошларнинг мавжудлиги кўринади, УТТда иш бажрувчи дренаж труба орқали ўтни ташқарига оқиб чиқиши ўт қопини ёш проекциясида ва ўнг жигар ости бўшлиғида эркин суюқликни унча катта бўлмаган миқдорда мавжудлиги билан намоён бўлади. Шу нарса эътиборга лойикки, ташқарига ўтни ажралиб чиқиши бўлган беморларнинг 20 (7,7%) нафарида ва сонограммада умумий ўт йўлини боғланиши бўлган 3 (1,2%) нафар беморларда бизлар томонимиздан жарроҳлик амалиётидан кейинги эрта муддатларда қандайдир патологик ўзгаришларни аниқлашни имкони бўлмади (4-жадвалга қаранг).

#### 4-жадвал

#### Қорин ичи эрта асоратли беморларнинг ультратовушли белгиларини аниқланиш сони, n=260

Ультратовуш белгилари	Холатлар сони	
	авс.	%
Жигар ости бўшлиғида эркин суюқлик	128	49,2
Қорин бўшлиғида эркин суюқлик	72	27,7
Суюқликни чегараланиб тўпланиши	36	13,8
ЎЧЙни проксимал бўлимини кенгайиши	39	15,0
Жигар ичи ўт йўллари кенгайиши	27	10,4
Умумий ўт йўлида тошларни мавжудлиги	4	1,5
Ичак кенгайиши ва ичак перисталтикасини тўхташи	50	19,2
Қорин бўшлиғида патология аниқланмади	23	8,8

Ўт суюқлигини ичга кетишида УТТда қорин бўшлиғининг бир неча бўлимларида эркин суюқлик аниқланди, уни тарқалиши жарроҳлик аралашуви бошланган вақтдан кейинги муддатга ва ўтни келиб тушиш манбасини тавсифига боғлиқ бўлади. Қорин бўшлиғида эркин суюқликни аниқлашдаги УТТнинг сезувчанлиги, махсуслиги в самарадорлиги 94,6%, 80,9% ва 87,7%, мос холда ташкил этди.

Одатда қорин бўшлиғи жарроҳлик амалиётидан кейинги абсцесслари бўлган беморларда жигар ости ёки ўнг диафрагмал бўшлиғида чегарланган суюқликлар кўринади. Абсцессларнинг хажми ва шакли турли туман бўлади, эхотузилмаси эса барча холатларда бир хилда бўлмайди.

ҚИЭАли 141 (54,2%) нафар беморларда кўкрак қафаси ва қорин бўшлиғининг рентгенографияси бажарилди, уларда куйидаги рентгенографик белгилар кузатилди: 61,7% тасвирларда Клойбер жомчаси, 31,2%да

диафрагма гумбази остида эркин газ, 52,5% да ичаклар пневматози, 47,5%да диафрагма гумбазини баландда туриши ва 46,8% ҳолатда диафрагма гумбази эскурсиясини чегараланганлиги аниқланди. Санаб ўтилган рентгенологик белгиларнинг биронтаси ҳам ЎЧЙни янтар шикастланиши учун патологик бўлиб ҳисобланмайди.

ҚИЭАли 34 нафар беморларда қўлланилган МСКТ ҳам шунингдек ЎЧЙларини аниқлашда етарли даражада чегараланган ташхисий имкониятга эга, бироқ қорин бўшлиғида суюқликларни йиғилишини аниқлаш, айниқса абсцесларни ажратиш олишда юқори маълумотли бўлиб ҳисобланади, бунда сезувчанлик, махсуслик ва самарадорлик усуллари мос ҳолда 96,4%, 100% ва 99,0%, ни ташкил этди.

ЎЧЙларини ятроген шикастланишини ташхислашда ҳал этувчи аҳамиятга ўт йўллари бевосита контрастлаш усули – асосан ЭРПХГ эга бўлади, у асосий гуруҳнинг 87 (71,3%) нафар беморларида қўлланилди. Усул холедоха контраст блоки мавжудлигини (48,3% ҳолатларда аниқланади), контрастни қорин бўшлиғига оқиши (42,5%), холедоханинг резидуал тошларини мавжудлиги (31,0%) ва ташқи оқувчи яралар (43,7%) ни аниқлашга имкон беради.

Бундан ташқари, асосий гуруҳ беморларининг 42 (34,4%) ЎЧЙнинг юқори блок белгиларида ёки ЭРПХГ ни бажаришдаги муваффақиятсиз уринишларда ЧЧХГ бажарилди, унинг учун ҚИЭА (блок даражаси ёки ўт йўллари стенозини аниқлаштириш, ўт оқиш манбаларини кўриш) рентген-семиотика ЭРПХГли бир хилдаги ҳолат хос бўлди. ЧЧХГнинг барча ҳолатлари ЧЧХС қурилмаси билан тўлдирилди, бу 40 нафар беморда ЎЧЙ декомпрессиясини кичик инвазив усул билан амалга оширишга имкон берди. 42 ҳолатдан 2 нафари (4,8%) да ЧЧХГ дан кейинги бир ҳолатда қорин бўшлиғига ўт оқиб тушиши, бошқа иккинчи ҳолатда эса қон оқиб тушиши каби асоратлар ўз ўрнига эга бўлди, бу шошилиш қайта жарроҳлик амалиёти ўтказишни талаб этди.

Шу билан боғлиқ ҳолда бизлар беморлардаги сўнгги йилларда механик сариқлик ва ЎЧЙни ятроген шикастланишига шубҳа бўлганда – МРТ-холангиографияси ўт йўллари визуализацияси ҳавфсиз ва ноинвазив усулини ташхислаш имкониятидан, асосий гуруҳнинг 54 (44,3%) беморларида қўллаган ҳолда кенг фойдаландик. ЎЧЙ блокани давомийлиги ва даражасини аниқлашдаги махсуслик, сезгирлик в ташхислаш самарадорлиги мос ҳолда 98,0%, 100% ва 99,0%, ни ташкил этади. Бу кўрсаткичлар ўт суюқлигини ўт йўллари чегарасидан ташқарига оқиб чиқишини аниқлашда мос ҳолда 93,5%, 87,5% ва 90,5% ташкил этган ҳолда сезиларли даражада паст бўлади.

Тадқиқот вазифаларига мос ҳолда диссертацион тадқиқот доирасида ўт йўлларидаги жарроҳлик амалиётидан кейин ҚИЭАнинг кечиш оғирлигини башоратлашни янги интеграл SAPS шкаласини модификациялаш ва мослаштириш йўли билан ишлаб чиқилди (2020 йил 20 июндаги №00115 рационализаторлик таклифига Тошкент ВМОИ гувоҳномаси). Турли клиник белгиларни башоратлаш қийматини аниқлаш, беморларни лаборатор ва асбоб ускуналар ёрдамида текшириш натижаларини аниқлаш бўйича ўтказилган



ҳисоблашлар ҚИЭАнинг оғир кечишини энг мухим 18 предикторини аниқлашга имкон берди, улар ҚИЭА кечиш оғирлиги тоифасини башоратлашни бизлар томонимиздан ишлаб чиқарилган модификацияланган шкаласининг асосини ташкил этди (5-жадвалга қаранг).

### 5-жадвал

#### ҚИЭА кечиш оғирлигини башоратлаш тоифасининг модификацияланган шкаласи

№	Предиктор	Баллар в кўрсаткичларни мос бўлган рақамли белгилари						
		3	2	1	0	1	2	3
X1	Ёш, йил				<45	46-55	56-65	66-75
X2	Пульс, 1 дақиқада	<40	40-54	55-69	70-109	110-139	140-179	>179
X3	АДсист, мм симоб устуни.	<40	40-54	55-79	80-149	150-179	180-189	>189
X4	Тана ҳарорати, °С	30,0-31,9	32,0-33,9	34,0-35,9	36,0-37,4	37,5-38,4	38,5-38,9	39,0-40,9
X5	1 дақиқадаги ЧДД	<6	6-9	10-11	12-24	25-34	35-49	>49
X6	Диурез, л/24 с	<0,20	0,20-0,49	0,50-0,69	0,70-3,49	3,50-4,99	>5,0	
X7	Қондаги мочевина, ммоль/л			<3,49	3,50-7,4	7,50-28,9	29-35,9	36-54,9
X8	Қондаги калий, мэкв/л	<2,5	2,5-2,9	3,0-3,4	3,5-5,4	5,5-5,9	6,0-6,9	>6,9
X9	Қондаги лейкоцитоз, 10 <sup>3</sup>				6,5-8,0	До 10,0	До 15,0	>15,0
X10	Нв (мг/л) и Нт (%) қрови				120-130 42-45	100 35	50 25	<50 <25
X11	ПИК, услед				до 5,5	5,6-7,0	7,1-11,0	11,1-15,0
X12	Қондаги билирубин, ммоль/л				до 25,0	25-100	100-200	>200
X13	Онгнинг холти				аниқ	хтра	сопор	Кома
X14	Ичаклар перистальтикаси				фаол	бўшашган	Якка холда	эшитилма айти
X15	УТТ, МСКТ эркин суюклик				йўқ	Кичик тосда	Кичик тос+ ёнбош кнал	Бутун қорин бўйлаб
X16	Клойбер жомчалари				йўқ	якка	Кўр сонли.	Аралаш, кўп сонли.
X17	Ўтти ташқарига ажралиши, мл				йўқ	<500,0	500-1000	>1000,0
X18	Перитонитни тарқалиши				йўқ	маҳаллий	диффуз	Куйилган

Шкалада ўт йўлларидаги жарроҳлик амалиётидан кейинги қорин ичи асоратларини кечиш оғирлигини уч тоифаси кўзда тутилган: I тоифа 18,0-30,8 балл; II тоифа 30,9-42,7 балл; III тоифа 42,8-57,0 балл.

Ўт йўлларидаги жарроҳлик амалиётидан кейинги ҚИЭА кечиш оғирлигини башоратлаш тоифаларини таклиф этилган интеграл шкаласи доирасида бу каби тенглаштиришлар сезувчанлик (81,2%), махсуслик (79,8%) ва умумий аниқлик (80,5%) юқори кўрсаткичларига эга бўлди.

Диссертациянинг «Ўт йўлларидаги жарроҳлик амалиётидан сўнг қорин ичи эрта асоратлари бўлган беморларни даволаш жараёнини

**оптималлаштириш»** деб номланган тўртинчи боби назорат ва асосий гуруҳ беморларида ўт йўлларидаги жарроҳлик амалиётидан кейинги ҚИЭА ни даволаш натижаларини қиёсий таҳлиliga бағишланган. Юқорида кўрсатилганидек, агарда назорат гуруҳи беморларида (n=138) ҚИЭА сабабли такрорий жарроҳлик аралашувларига кўрсатмалар ўт оқиши ривожланишини УТ- ҳамда клиник маълумотлари, перитонит ёки кон кетиш кўрсатмалари асосида ўрнатилган бўлса, асосий гуруҳ беморларида эса (n=122) МСКТ, МРТ-холангиография, ЭГХПГ, ЧЧХС, видеолапароскопия усулларининг ташхислаш/даволаш имкониятлари кенг қўлланилди. Асосий гуруҳ беморларида ҚИЭА ни даволаш тактикасини танлаб олишда шунингдек диссертацион иш доирасида махсус ишлаб чиқилган компьютер дастури (Ўзбекистон Республикаси шахсий ақлий мулк Агентлигининг № DGU 08594 гувоҳномаси) қўлланилди, у фойдаланувчи интерфейсини тўлдириш учун интуитив тушунарли ва қулайликка эга, жарроҳга жарроҳлик амалиётидан кейинги кечиш оғирлигини баҳолашга ва беморни юритиш тактикаси бўйича тавсиялар олишга имконини беради.

Ўт йўлларидаги жарроҳлик амалиётидан кейинги ҚИЭАли беморларни даволаш тактикасини танлашни таклиф этилган компьютер дастури махсус ишлаб чиқилган алгоритм асосида ишлайди, бу ерда марказий ўринни кичик инвазив даволаш/ташхислаш техннологияси эгаллайди. Мазкур дастурли маҳсулотни қўлланилиши ушбу оғир тоифали беморларда релапаротомия сонини 97,1%дан 35,2%гача пасайтиришга имкон берди (6- жадвалга қаранг). Асосий гуруҳнинг 77 (63,1%) нафар беморларида аниқланган ҚИЭАни эндобилиар аралашувлар (24; 19,7%), эндовидео жарроҳлик техникаси (43; 35,2%), шунингдек иккита эндоскопик технологиялар – видеолапароскопия ва холедохани эндоскопик транспапилляр стентирлаш (10; 8,2%) усулларини гибрид қўллаш орқали муваффақиятли бартараф этишга эришилди.

Асосий гуруҳнинг 53 нафар беморларида видеолапароскопиянинг (ВЛС) ташхислаш-даволаш имкониятларини баҳолаш кўрсатдики, улардан 51 (96,2%) нафар беморлардаги видеоэндожарроҳлик техникаси нафақат ҚИЭАнинг аниқ сабабини аниқлашга, балки аниқланган асоратларни, жумладан, 10 (18,9%) нафар беморларда ВЛС ва ЎЧЙларини эндоскопик ретроград стентирлаш гибрид ёндошувини қўллаш йўли билан мос бўлган кам инвазив бартараф этишга имкон берди.

